*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 94 (9590). ● 1989 йил 17 май ● чоршанба ● Баҳоси 3 тийин.

## Яна сайлов бўлади

Дастлабки натижаларга кўра, 14 май куни бўлган қайта сайлов вақтида Ўзбекистондаги ўнта сайлов округидан еттитасида СССР халқ депутатлари сайланди: ишчи, колхозчилар, партия органлари ва оммавий ахборот воситаларининг вакиллари депутат бўлишди. Уч округда эса номзодлардан бирортаси ҳам етарлича овоз олмагани учун уларда қайта овоз берилади.

Бу сайловларда ҳаммаси бўлиб сайловчиларнинг 90 процентга яқини иштирок этди. Бу республика меҳнаткашларининг юксак гражданлик активлигидан далолат беради.

(ЎзТАГ).

### ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ

## АХБОРОТИ

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фармонига мувофиқ 1989 йил 14 май якшанба куни 85-Бўка, 89-Димитров (Ғалаба райони), 108-Келес (Тошкент райони) сайлов округлари бўйича Ўзбекистон ССР Олий Советига депутатлар сайлови ўтказилди.

85-Бўка сайлов округи бўйича овоз беришда 19456 ёки жами сайловчиларнинг 97,7 проценти қатнашди. Депутатликка номзод учун 19148 ёки сайловда қатнашган сайловчиларнинг 98,4 проценти овоз берди.

1933 йилда туғилган, КПСС аъзоси, Тошкент область партия комитетининг секретари Эргаш Исмоилович Фозилов 85-Бўка сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати қилиб сайланди.

89-Димитров сайлов округи бўйича овоз беришда 13489 ёки жами сайловчиларнинг 94,4 проценти қатнашди. Депутатликка номзод учун 12662 ёки сайловда қатнашган сайловчиларнинг 93,9 проценти овоз берди.

1946 йилда туғилган, КПСС аъзоси, Ғалаба районидаги Димитров номли колхознинг пахтачилик бригадаси бошлиғи Эсонкелди Турлибекович Абдураимов 89-Димитров сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати қилиб сайланди.

108-Келес сайлов округи бўйича овоз беришда 24036 ёки жами сайловчиларнинг 98,3 проценти қатнашди. Депутатликка номзод учун 23687 ёки сайловда қатнашган сайловчиларнинг 98,5 проценти овоз берди.

1946 йилда туғилган, КПСС аъзоси, Тошкент районидаги Навоий номли колхоз бригадири Баҳодир Саидазимов 108-Келес сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати қилиб сайланди.

**Округ сайлов комиссиялари.**

## ИЛҒОРЛАРГА БАЙРОҚЛАР

Халқ депутатлари Тошкент область Совети ижроия комитети ва область касаба союзлари Совети саноат ишлаб чиқариш бирлашмалари (комбинатлари) ва корхоналари коллективларининг электр энергиясини иқтисод қилиш бўйича социалистик мусобақаси 1989 йил 1 квартал якунларини кўриб чиқдилар.

**Ўзбекистон қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металлар комбинати коллективи** (директори П. С. Мақсудов, партия ташкилотининг секретари В. П. Ермоленко, касаба союз комитетининг раиси А. А. Увраимов, бош энергетик А. Э. Худойқулов ўртоқлар) мусобақа ғолиби деб топилди. Коллективга биринчи ўрин, кўчма Қизил байроқ ва 2 минг сўмлик пул мукофоти берилди. Металлурглар ишлаб чиқариш программасини 102,7 процент қилиб бажарган ва электр энергиясини план нормаларига нисбатан 173,0 минг киловатт-соат тежашга эришди.

Иккинчи ўрин ва 1200 сўмлик пул мукофоти **«Ўзбекрезинотехника» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош заводи коллективи** (директори И. Н. Искандаров, партия ташкилоти секретари С. А. Кальнев, касаба союз комитети раиси В. Г. Водопьянов, бош энергетик В. В. Барбарин ўртоқлар)га берилди. Завод коллективи ишлаб чиқариш программасини 101,0 процент қилиб бажарган ва электр энергиясини план-нормаларига нисбатан 102,0 минг киловатт-соат тежаб қолишга эришган.

Учинчи ўрин ва 600 сўмлик пул мукофоти **Қибрай салқин ичимликлар комбинати** (директори Ғ. А. Одилов, партия ташкилоти секретари Н. И. Исҳоқов, касаба союз комитети раиси Л. П. Левочкина, бош энергетик Т. А. Мусабеков ўртоқлар)га берилди. Корхона коллективи ишлаб чиқариш программасини 100,0 процент қилиб бажарган ва электр энергиясини план-нормаларига нисбатан 66,0 минг киловатт-соат тежашга эришган.

Олмалиқдаги рўзғор химияси, Наримановдаги «Иргидромаш», Чирчиқдаги «Трансформатор» заводлари ва «Средазуголь» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ангрендаги энергетика бошқармаси коллективларининг социалистик мусобақа шартларини бажариш бўйича яхши ишлаганликлари қайд қилинди.

## М. С. ГОРБАЧЕВ БИЛАН ЯН ШАНКУНЬ ЎРТАСИДА СУҲБАТ

ПЕКИН, 15 май. (ТАСС махсус мухбирлари). Халқ вакиллари Умумхитой мажлиси биносида М. С. Горбачев билан Ян Шанкунь ўртасида суҳбат бўлди. Улар СССР ва ХХР олий ва маҳаллий ҳокимият органлари фаолияти хусусида ўзаро фойдали тажрибани баҳам кўришни актив кенгайтириш лозимлигини таъкидладилар.

Суҳбатда Совет ва Хитой расмий кишилари ҳозир бўлишди.

Кечқурун Ян Шанкунь М. С. Горбачев ва унинг рафиқаси шарафига зиёфат берди.

Ян Шанкунь ва М. С. Горбачев нутқ сўзладилар.



● Кутиб олиш маросими пайти.

Ю. Лизунов телефотоси. (ТАСС).

## СОВЕТ-ХИТОЙ МУНОСАБАТЛАРИ НОРМАЛЛАШТИРИЛДИ

ПЕКИН, 16 май. (ТАСС махсус мухбирлари). Совет раҳбари Пекинда бўлишининг иккинчи кунида М. С. Горбачев билан Дэн Сяопиннинг олий даражадаги учрашуви иккита энг катта социалистик давлатнинг муносабатларида янги босқични очди.

Хитой матбуоти ўтган кунни якунлаб, совет раҳбари ХХРга қилган ҳозирги визитнинг бетакрорлигини, унинг жуда муҳим тарихий характерини таъкидламоқда. Газеталар кейинги ўттиз йил мобайнида олий даражадаги биринчи Совет-Хитой учрашуви дунёдаги иккита энг катта социалистик мамлакат ўртасидаги муносабатларни соғлом ва барқарор асосга кўчириш учун негиз яратади, деб иккала томон билдирган умидга эътиборни қаратади.

Пекин газеталари бугун М. С. Горбачев визити бошланганлиги тўғрисидаги материалларни биринчи саҳифаларида эълон қилдилар. ХКП Марказий Комитетининг органи — «Жэньминь жибао» газетаси бу визитни Хитойнинг ички ва халқаро турмушидаги биринчи даражали аҳамиятга молик воқеа, деб таърифлайди. «Чайна дейли» газетаси Хитой-Совет алоқалари тиклангани ҳақида ёзади.

Кўпгина матбуот органлари Хитой-Совет савдо-иқтисодий ҳамкорлиги олдида «жуда катта истиқболлар» очилаётганлигини таъкидламоқдалар, ҳозир СССР Хитойнинг савдо-сотиқ соҳасидаги асосий мижозларидан бири эканини қайд этмоқдалар. 1986 йилдан 1988 йилга қадар, деб ёзади «Ляован» журнали, Хитой-Совет савдоси Хитой ташқи савдо оборотининг 1/5 қисмини ташкил этди. «Хитой-Совет савдо-иқтисодий муносабатлари янги босқичга кирди», — деб ёзади «Цзинцзи жибао» газетаси. Иқтисодий соҳадаги ҳамкорлик миқёслари муттасил ошиб бораётганини ҳам шу газета уқтириб ўтади.

М. С. Горбачев билан кеча бўлиб ўтган учрашувда ХХР раиси Ян Шанкунь Хитой ва Совет халқлари дўстлигининг чуқур характерини уқтириб ўтди, деб таъкидлайди матбуот. Совет раҳбари Хитойда амалга оширилаётган ислоҳотлар қандай бораётганлиги билан ҳам батафсил таништирилди. Шу билан бирга, юзага келган муаммоларни ҳал этишнинг тайёр модели йўқлиги, бу жараёнда янглишишлар ҳам бўлиши мумкинлиги таъкидланди.

Вужудга келаётган муаммоларни ҳал этиш бир хил тарзда бўлмаслигини англаб, Хитойда кейинги вақтларда сиёсий соҳадаги ислоҳотларни амалга оширишга, Совет Иттифоқининг бу соҳадаги тажрибасига алоҳида эътибор берилаётганлиги бежиз эмас. Бу нарса мамлакатда, айниқса, Пекинда студентларнинг ғалаёнлари тобора кенгайиб бораётганлиги билан ҳам боғлиқдир. Тяньаньмэнь майдонида 13 майдан буён Пекин, Тяньцзинь ва Шанхай олий ўқув юртлари студентлари эълон қилган очлик давом этмоқда. Очлик эълон қилган студентлар сони уч мингга етди. Студентлар мамлакатдаги демократиялаш жараёнини жадаллаштиришни, кадр ходимлар орасидаги порахўрлик ва айнишга чек қўйишни талаб қилмоқдалар.

Пекин университети профессор ва ўқитувчиларидан 500 га яқин киши ҳукумат маъмурларига мурожаат қилиб, студентларнинг вакиллари билан мазмундор мулоқот ўтказишни тезлаштиришни сўради.

Бугун Тяньаньмэнь майдони томонга ХХР Ижтимоий Фанлар академияси ходимлари, «Жэньминь жибао» газетасининг ходимлари, пойтахт олий ўқув юртлари ўқитувчи ва профессорларининг колонналари йўл олди. Намойишчилар демократияни ривожлантириш тўғрисидаги чақириқлар билан бирга, матбуот эркинлиги, Конституцияга ўзгартишлар киритишни, зиёлиларнинг моддий аҳволини яхшилашни талаб қилувчи шиорларни кўтариб бордилар.

Хитой раҳбарияти студентлар билан мулоқот бошлади. Кеча мулоқотда ХКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ХХР Маориф ишлари давлат комитетининг раиси Ли Теин ва ХКП Марказий Комитети секретариатининг аъзоси Янь Минфу қатнашдилар. Хитой раҳбарларининг таъкидлашича, улар студентлар ҳаракатини умуман ижобий баҳоламоқдалар. Студентлар ватанпарварлик туйғуларини намоён этмоқдалар ва демократик жараён соҳасида оқилона талабларни ўртага қўймоқдалар. Айни вақтда, баъзи ҳолатлар ташвиш туғдирмоқда, Тяньаньмэнь майдонида эълон қилинган очлик ҳозирнинг ўзидаёқ мамлакатимиз қиёфасига салбий таъсир қилди, деб уқтиришди улар. Ли Теин билан Янь Минфунинг таъкидлашича, студентларнинг талаблари иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлар давомида, демократиялаш ва ҳуқуқий қурилиш йўлида қондирилади, аммо бунинг учун вақт керак бўлади.

Бу ердаги брифингда ХХР Ташқи ишлар министрлиги вакилининг айтишича, Хитой ҳукумати Совет раҳбарининг ХХРга визити муваффақиятини таъминлаш учун бутун куч-ғайратни сарфламоқда. Студентларнинг ғалаёнлари Хитойнинг нуқул ички иши бўлиб, Хитойнинг ташқи сиёсатига, М. С. Горбачев визитининг бориши ва натижаларига ҳеч қандай таъсир ўтказа олмайди, деб таъкидлади у.

АГРОСАНОАТ ХАБАРЛАРИ

## УЧ КУНДА

● САФАРАЛИ Камеков бошчилик қилаётган бригада Ғалаба районидаги «Ўзбекистон ССР 5 йиллиги» совхозидаги пешқадам коллективлардан биридир. Ёғиб ўтган қор ва ундан кейинги совуқ оқим туфайли юз берган табиий офат пайтида ҳам улар шошиб қолмасдан, тадбиркорлик билан иш тутдилар. Зудлик билан далалар чизелланиб, сеялкалар пайкалларга олиб чиқилди. Мавжуд куч ва имкониятлар ишга солинди. Натижада бутунлай совуқ уриб кетган 162 гектар майдонга уч кун ичида «Фарҳод» нав чигит қайтадан экилди.

Айниқса, Тўлқин Олимжонов ва Оққул Ражабовлар бошчилик қилаётган звеноларда бу иш сифатли бажарилди. Чигитни механизатор-звено бошлиқларининг ўзлари экдилар. Сувчилардан Собиржон Тешабоев ва Амин Абдусаломов, ишчилардан Махбуба Олимжонова ва Дилбар Маллабоевалар кейинги кунларда ёққан ёмғирдан кейин қатқалоқни юмшатиш, чигитни бир текис ундириб олиш тадбирларини кўрмоқдалар.

Бригада пахтакорларининг бу йилги аҳди — ҳосилдорликни гектар бошига 30 центнерга етказиш, пахтанинг 95 процентини машиналарда териб олишдан иборатдир.

**Н. ХЎЖАҚУЛОВА.**

## ЭРТАГИ САБЗАВОТ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРГА

● ТОШКЕНТ райони. Деҳқон ҳамиша эл ғамини ейди. Ана шу мақсадда ҳар қандай қийинчиликларни енгади, тажрибасини, маҳоратини ишга солади. Собир Раҳимов номли колхозда ҳам ана шундай фидокорларнинг меҳнати туфайли сабзавот экинларидан мўл ҳосил етиштирилмоқда. Тўғри, яқинда бўлиб ўтган табиий офат туфайли дала ишлари бирмунча мураккаблашди.

Бироқ, тадбиркор деҳқонлар офат келтирган зиённинг ўрнини қоплаш учун экинларга ишлов беришни ҳар жиҳатдан авж олдириб юбордилар. Айрим пайкалларга янгидан сабзавот кўчати экиб чиқилмоқда. Омон қолган экинлар парвариши эса алоҳида назорат қилиб борилаяпти.

Колхоз миришкорлари аллақачоноқ эртаги маҳсулот топширишни бошлаб юборган эдилар. Ҳозиргача шаҳарликларга 190 тоннадан ортиқ сабзавот: редиска, бодринг, сабзи, кўк пиёз ва бошқа маҳсулотлар етказиб беришди. Бунда, айниқса, Анвар Юнусов, Ғофир Ортиқов, Маннон Эркабоев, Ҳаким Эгамбердиев ўртоқлар бошлиқ бригада деҳқонлари қўшаётган ҳисса салмоқлидир.

**Т. ЖЎРАЕВ.**

## МАККАЖЎХОРИГА ИШЛОВ БЕРИЛМОҚДА

**ПИСКЕНТ.** Свердлов номли колхознинг 24-бригадаси илғор коллективлардан ҳисобланади. Улар бу йил 46 гектар майдонда пахта, 24 гектар ерда дон учун маккажўхори етиштирмоқдалар. Айни кунларда далаларда иш қизғин. Маккажўхори қийғос униб чиқди. Колхозчилар экинни чопиқ қилишни бошлаб юбордилар.

Абдумажид Топилов ўз агрегатини унумли ишлатиб, ҳар куни нормадагидан анча кўп майдондаги маккажўхорига ишлов бермоқда.

**Ш. МАВЛОНОВА.**

* * *

**● ШУНИНГДЕК, қишлоқ мухбирларидан Қ. Ражабов, А. Маҳкамов, Л. Мансуров, М. Қаюмов ва бошқа ўртоқлар ҳам бизга юборган хат ва хабарларида деҳқонлар, чорвадорлар ва бошқа касб эгаларининг шу кунларда олиб бораётган ишлари ҳақида ҳикоя қиладилар.**

*● Агросаноат комплекси: оғир вазиятдан қандай чиқиш мумкин?*

## ҚАЙТА ЖОНЛАНАЁТГАН ДАЛАЛАР

**ТАБИИЙ офат Тошкент районидаги «Ленин йўли» колхози деҳқонларини ҳам анча-мунча ташвишга қўйди. Мухбиримиз яқинда мазкур хўжаликда бўлиб, мутахассислар, соҳибкорлар билан суҳбатлашиб, айни кунларда амалга оширилаётган ишлар билан танишиб қайтди.**

— Яна хатар бор деб айтишганди, — дейди колхознинг бош агрономи Рихсивой Ортиқов. — Зора тунов кунги ёмғир билан ўша хатар ўтиб кетган бўлса. Ҳамма нарсанинг сараги сарак, пучаги пучак бўлди. Совуқ келтирган зиённи сўз билан таърифлаш қийин. Энди узум ҳосилидан умид қилмаса ҳам бўлади. Асосий эътиборни сабзавот экинларини ўнглаб олишга қаратмоқдамиз. Маккажўхори ҳам бутунлай бошқатдан экилмоқда. Ич-ичимиздан ачиндик. Картошка пайкалларида ҳосили ёнғоқдек бўлиб қолган эди. Парваришга зўр бераяпмиз. Культивация олдидан эгатларга оз-оздан бўлса ҳам аммофос ва бошқа ўғитлар солинмоқда. Бундай озуқалар экиннинг илдизи ривожланиши учун жуда зарур-да. Бақлажон, болгар қалампири ҳам бутунлай янгидан экиб чиқилмоқда. Ота-боболаримиз помидорни уруғидан экиб, етиштириб келишган. Бу усулда кўчатлар бақувват бўлиб ўсади, унча-мунча касалликка чалинмайди.

Тўғри, 35 гектар майдонга етадиган кўчатимиз ҳам бор эди. Ундан самарали фойдаланамиз. Бундан ташқари иссиқ хонага қўшимча кўчат етиштириш учун уруғ сепиб қўйдик. Узоғи билан бир ойда тайёр бўлади. Хуллас кечки бўлиб қоладиган сабзавот экинлардан мумкин қадар мўл ҳосил олиш чораларини кўрамиз.

### АТТАНГ, ҚУРТ БОҚОЛМАЙДИГАН БЎЛДИК

Хонадонларга қурт боқиш учун уруғ тарқатиб қўйгандик, — дейди колхоз партия ташкилотининг секретари Акбар Сулаймонов. — Аттанг, ишимиз чатоқ бўлди-да. Тутларни бутунлай совуқ уриб кетди. Биз кўп бош қотирдик. Маслаҳатлашдик. Олимларимиз маълум миқдордаги қурт уруғи олиб қолиб, кейин чиқадиган барг ҳисобига боқиш йўлларини ўйлаб кўриш керак деб маслаҳат беришмоқда. Лекин барибир бизда бунинг иложи йўқ. 276 қутидан 50 тасини очиришга қўйгандик. Агар ҳароратни пасайтириб совуқхонада ушлаб турганимизда ҳам боқиш муддатини 10—11 кунга кечиктириш мумкин, холос. Лекин бундай қилиб бўлмайди. Иложи йўқ. Ҳисоблаб чиқдик. 50 қути қурт уруғини боқиш учун кам деганда 50 тонна барг керак. Биздаги совуқдан омон қолган тутлардан эса бор-йўғи 3—4 тонна барг чиқиши мумкин. Лекин бу барглар ҳам сифатли бўлади, деб ҳеч ким кафолат беролмайди. Яна шуниси ҳам борки, ким билади дейсиз, совуқ урган баргни қуртлар еб касалликка чалиниб қолиши ҳам мумкин. Тажриба йўқ, бундай ҳодисага биринчи марта дуч келаяпмизда. Шунинг учун ўйлаб иш қилиш, етти ўлчаб бир кесишга тўғри келади. Мулоҳаза қилдик. Биз қурт боқмаганимиз маъқул. Уволига қоламиз. Унинг ўрнига ўша биздан чиқадиган баргни қўшни хўжаликларга берсак фойдали бўлади.

### ДОНОЛАР АЙТИШДИКИ...

— Маълумки, хўжалигимиз ўзининг ажойиб соҳибкорлари билан донг чиқарган, — дейди боғдорчилик бригадасининг бошлиғи Иброҳим Нурҳожиев. — Ҳар йили гектаридан 150—200 центнердан ҳосил олиб келинмоқда. Бу йил ҳам ҳосилимиз мўл бўлиши кутилмоқда эди. Лекин афсус совуқ токзорларни «пайҳон» қилиб кетди. Нима қилиш керак? Айниқса олимларимиз совуқ урган новдаларни дарҳол шилиб ташлаш керак, модомики, бу йилги ҳосилдан умид йўқ экан, келгуси йил ҳосилни ўйлаб иш тутиш зарур. Совуқ урган новдалар шилингач, қатор ораларини ҳайдаб, дарҳол ўғит солиб, сув қўйиш керак, деб айтишди. Биз шундай қилиб кўрдик. Лекин токлар табиатнинг бу хуружидан қаттиқ «хафа» бўлгандек кўз ёши тўкиб юборишди.

Бошқа чора кўришга ҳаракат қилдик. Кўпни кўрган, суяги соҳибкорликда қотган кекса отахонлар билан суҳбатлашдик. Улар йўқ, ундай қилиш керак эмас, деб маслаҳат беришди. Яна 3—4 кун сабр қилинглар. Ток новдаларининг совуқ урган қисми қотади, ана шундан кейин уларнинг зарарланган қисмидан кесиб ташлаш керак. Бу новда қўлтиғидан янги новда ўсиб чиқади. Ҳамма эътиборни ана шу новдаларни парваришлашга қаратиш зарур.

Биз ўша куни токзорларни, сабзавот пайкалларини айланиб, бошқа деҳқонлар, бригадирлар, колхозчилар билан суҳбатлашдик. Ҳамма зўр ғайрат, катта умид билан табиий офат оқибатларини бартараф этиш учун астойдил енг шимариб меҳнат қилаётганлигининг гувоҳи бўлдик.

**Н. ИСАЕВ.**

## ТАЖРИБА ЎРТОҚЛАШИЛДИ

15 май куни Тошкентда очилган республика илмий-амалий конференцияси социал-иқтисодий ривожланишни жадаллаштиришда, экология муаммоларини ҳал этишда лекция пропагандасининг ролини ошириш масалаларига бағишланди. Конференцияни «Билим» жамияти ва Ўзбекистон ССР Фанлар академияси, республика Соғлиқни сақлаш министрлиги, Табиатни муҳофаза қилиш давлат комитети ва Ўзбекистон табиатни муҳофаза қилиш жамиятининг республика кенгаши уюштирди.

Конференция доирасида лекция-пропаганда ишлари тажрибасини ўртоқлашиш, давра суҳбатлари ўтказиш кўзда тутилган. Учрашувларда табиатни муҳофаза этишни пропаганда қилиш, янгича экологик тафаккурни тарбиялаш масалалари муҳокама қилинади.

(ЎзТАГ).

## Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасида бевосита алоқалар

15 май куни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари П. М. Абдураҳмонов Ҳиндистон химия ва нефть химияси саноати министрининг ўринбосари М. С. Гиллни қабул қилди. Бўлиб ўтган суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Ҳиндистон Республикаси ўртасида бевосита алоқаларни кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Суҳбатда Ўзбекистон ССР ташқи ишлар министри С. О. Азимов ва Ҳиндистон Республикасининг Тошкентдаги бош консули Йогендра Кумар иштирок этдилар.

## ИНТЕРНАЦИОНАЛИСТ ЖАНГЧИЛАР СЛЁТИ

**Тошкентда ўз ишини тамомлаган слётда республиканинг барча областларидан келган интернационалист жангчилар иштирок этдилар. Слёт қурилиш ва бинокорлик материаллари саноати ходимлари касаба союзлари Ўзбекистон республика комитети ҳамда Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг ташаббуси билан уюштирилди.**

Собиқ жангчилар жамоат ташкилотлари, республика ЛКСМ Марказий Комитетининг вакиллари, министрлар билан учрашиш, кундалик турмушда ўзлари дуч келаётган муаммолар тўғрисида гаплашиб олиш имкониятига эга бўлдилар.

Ёшлар уйида ана шундай учрашувлардан бири бўлиб ўтди. Афғонистонда хизмат қилган жангчиларни Зебо Ғаниева номли фронтчи концерт бригадалари қатнашчилари ансамбли, Улуғ Ватан урушининг ветерани Зебо Ғаниеванинг ўзи табриклади. Бу ерда социал-маиший муаммолар, меҳнат фаолияти масалалари хусусида маслаҳатлар олиш мумкин. Йигитлар тинч ҳаётда ўз ўринларини осонлик билан топмаётганликлари, инвалидларга, ҳалок бўлган жангчиларнинг оилаларига нисбатан лоқайдлик улар қалбини ларзага солаётганлиги тўғрисида гапирдилар. Учрашувда госпиталда даволанаётган жангчиларнинг магнитофон лентасига ёзиб олинган сўзлари янграtimes. Улар жароҳатлари битмаганлиги туфайли бу ерга келолмадилар, аммо Афғонистонда хизмат қилган жангчилар бирлашишлари зарурлиги тўғрисидаги фикрларини ўртоқлашдилар.

Ҳозир республикада интернационалист-жангчилар уюшмасини тузишга тайёргарлик кўрилмоқда. Бундай уюшма собиқ жангчиларнинг қайта қуриш жараёнига фаол қўшилишига, ёшларни тарбиялашда уларнинг тажрибасидан фойдаланишга ёрдам беради. Запасдаги жангчиларнинг ҳарбий-ватанпарварлик клубларини ташкил этиш тўғрисидаги ташаббуси кенг қўллаб-қувватланганлигига қарамай, Афғонистондан қайтган жангчилар ўз йўлларида кўпгина тўсиқларга дуч келмоқдалар. Уюшма интернационалист-жангчиларнинг социал-маиший муаммолари тўғрисида ғамхўрлик қилишни инвалидларга, ҳалок бўлган жангчиларнинг оилаларига ёрдам бериш тўғрисидаги қонунлар бажарилиши устидан контролликни ўз зиммасига олади.

Учрашувда Афғонистонда хизмат қилган жангчилар шанига кўпгина самимий сўзлар айтилди. Министрликлар, республика ЛКСМ Марказий Комитетининг вакиллари Афғонистонда оғир синовдан ўтган ана шу йигитларга ёрдам бериш истагида эканликларини изҳор қилдилар. Фақат уларнинг сўзлари билан иши бир бўлишини истаймиз.

**И. ГРЕБЕНЮК, ЎзТАГ мухбири.**

